

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОВАЛИЕВ ИЛХОМ ХАКНАЗАРОВИЧ

**СТОМАТОЛОГИЯДА ФУНКЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШНИ
ҚЎЛЛАШНИ ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Шовалиев Илхом Хакназарович

Стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни

гигиеник асослаш..... 3

Шовалиев Илхом Хакназарович

Гигиеническое обоснование применения

функционального питания в стоматологии..... 26

Shovaliev Ithom Haknazarovich

Hygienic justification for use functional nutrition in

dentistry..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОВАЛИЕВ ИЛХОМ ХАКНАЗАРОВИЧ

**СТОМАТОЛОГИЯДА ФУНКЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШНИ
ҚЎЛЛАШНИ ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib337 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тўхтаров Баҳром Эшназарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумақулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуллаев Шариф Юлдашев
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамрақулова Муқаддас Аскаревна
тиббиёт фанлар доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ижевск Давлат тиббиёт академияси
(Россия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузурдаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» *сентябрь* соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин *8:00* рақамли билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «20» *ноябрь* да тарқатилди.
(2021 йил «20» *ноябрь* даги 25 рақамли реестр баённомаси)



Шайхова

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимухамедов

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Саломова

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси саломатлигини таъминловчи асосий омиллардан бири соғлом овқатланиш ва унинг асосий мезонларнинг илғор технологияларини яратиш ва тадбиқ этиш долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, инсон саломатлиги ҳолати овқатланиш рационига муҳим даражада боғлиқ. Муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...стоматологик касалликлар кўп жиҳатдан овқатланишга боғлиқ бўлиб, тиш касалликлари тўғридан тўғри инсоннинг ҳаёт сифатига жиддий таъсир қилади, овқат таркибидаги нутриентлар етишмаслиги эса перидонтит ва оғиз орқали юқадиган касалликларни кўпайишига сабаб бўлмоқда...»¹. Шу сабабли стоматологик касалликлар натижасида юзага келадиган асоратлар хавф омилларини функционал овқатлар билан самарали даволашни такомиллаштириш замонавий нутрициологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда стоматологияда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида функционал овқатланишни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада стоматологик касалликлар учун функционал овқатланиш маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қийматларини, ўзгартирилган ва амалдаги овқатланиш негизида талабаларнинг овқатланиш ҳолатини, функционал овқатланиш маҳсулотларини қўллаш самарадорлигини ҳамда уларнинг гуруҳига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турларининг биологик тўлақонлилигини, овқатланиш ҳолати белгилари сифатида стоматологик кўрсаткичларни баҳолашга қаратилган стоматологик касалликларни олдини олишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, стоматологик касалликларни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосидаги функционал овқатланиш ёрдамида даволашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш, жумладан стоматологик касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш, ўлим сонини камайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда стоматологияда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида функционал овқатланишни қўллашни

¹ Moynihan P., Petersen P.E. Diet, nutrition and the prevention of dental diseases // Public Health Nutrition, 2004 Feb; 7(1A): P. 201-226.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастури тўғрисида» Фармони.

гигиеник асослаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of California, University of Oklahoma, Yale University, George Washington University, University of California Berkeley (АҚШ), Columbia University (АҚШ); (University of Helsinki, Финляндия); University of Genoa, University of Messina (Италия); Ewha Womans University (Жанубий Корея), University of Québec (Канада), National Institute of Nutrition (Индия), National Institute of Health and Nutrition (Япония), Turku University, University Osmangazi, Туркия); University of Medical Sciences (Эрон); Deakin University (Австралия); Roseman University of Health Sciences (АҚШ), University of Catania (Италия), University of Oslo (Норвегия), Vambodino Paediatric Dental Clinic (Голландия), An-Najah National University (Фаластин), Биринчи Москва Давлат тиббиёт Университет (Россия); Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистан) да олиб борилмоқда.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.roseman.edu, www.delamed.org, www.berkeley.edu, www.columbia.edu, www.unict.it, www.uio.no, www.najah.edu, www.mahsa.edu.my, www.cgu.edu.tw, www.tma.uz, www.uv.es, www.unav.edu, www.aegean.gr, www.rivm.nl, www.utm.my, www.sibs.cas.cn, www.wit.edu.cn, www.unimelb.edu.au, www.yonsei.ac.kr, www.hi.is, www.miun.se, www.bristol.ac.uk, www.keele.ac.uk, www.ujaen.es, www.ucsc.edu, www.umontreal.ca, www.ucd.ie, www.taibahu.edu.sa, www.sysin.ru, www.uefs.br, www.toko.edu.tw, tu-dresden.de, www.ui.ac.id, www.scemz.ru, www.universityofcalifornia.edu; www.vanderbilt.edu; www.rutgers.edu; www.ouhsc.edu; www.umich.edu; www.ucalgary.ca; www.en.tongji.edu.cn; www.cuhk.edu.hk; www.yamanashi.ac.jp; www.nymue.ym.edu.tw; www.ed.ac.au; www.lunduniversity.lu.se; www.sdu.dk; www.upf.edu; www.uva.nl; www.osu.eu; www.sum.edu.pl; www.unina.it; www.en.uoa.gr; www.sydney.edu.au ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослашнинг гигиеник жиҳатлари баҳолаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кунлик рацион таркибидаги нутриентив ўзгаришларнинг моддалар алмашинуви касалликлари ҳамда периодонтит билан биргаликда тизимли стоматологик касалликларнинг асоратлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги исботланган (University of Catania, Италия); ОАТР 2Б1 овқат қўшимчаларининг ичак ингибитори сифатидаги дори воситаси ўрнидаги вазифаси исботланган (University of Helsinki, Финляндия); овқат рациона таркибида ишлатиладиган биологик фаол қўшимчаларнинг биологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрий базаси ишлаб чиқилган (University of South Dakota State University, АҚШ); болалар ва ўсмирлар орасида ишлатиладиган овқат қўшимчаларининг атопик дерматитларининг ривожланишдаги ўрни ва хусусиятлари очиб берилган (University Osmangazi, Туркия); овқат қўшимчаларнинг ортиқча истеъмол қилиниши натижасида юзага келадиган ортиқча тана вазни ва семириш аҳолининг меҳнат қобилиятини пасайтириши, сурункали касалликларнинг ривожланиши ҳамда эрта ўлимга олиб келиши исботланган (Ewha Womans University (Жанубий Корея), University of Québec (Канада), National Institute of Nutrition (Ҳиндистон), National Institute of Health and Nutrition (Япония), Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия); соғлом овқатланишнинг издан чиқиши натижасида оғиз бўшлиғи соҳаси касалликлари ва тишнинг кариотик ва нокариотик касалликларнинг эрта бошланиши қишлоқ жойларида болаларнинг ўсиши билан боғлиқлиги асосланган (University of Oslo, Норвегия); парҳез ва овқатланиш тартибининг инсон ҳаёт тарзига ва оғиз бўшлиғи касалликларига таъсири механизми очиб берилган (Vambodino Paediatric Dental Clinic, Голландия, An-Najah National University, Фаластин); стоматологик касалликларини тарқалишини олдини олишда функционал овқатланиш рационларнинг ўрни ва аҳамияти асосланган (Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон).

Дунёда стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослашнинг гигиеник жиҳатлари баҳолаш самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: функционал овқатланиш маҳсулотларининг озучавий ва биологик қийматларини асослаш; ўзгартирилган ва амалдаги овқатланиш негизида талабаларнинг овқатланиш ҳолатини асослаш; функционал овқатланиш маҳсулотларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш; функционал овқатланиш гуруҳига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турларининг биологик тўлақонлилигини баҳолашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Функционал овқатланиш тушунчаси остида шундай озиқ-овқат маҳсулотлари тушуниладики, уларни овқатланиш рационига киритилиши инсон организмни нафақат энергетик ва пластик материал билан таъминлайди, балки аниқ физиологик функцияларни, биокимёвий ва ҳулқий реакцияларни назорат қилади ва меъёрлаштиради, саломатликни сақлайди, касалликларни юзага келиш хавфини пасайтиради ва

соғайиш жараёнини тезлаштиради. Россиянинг овқатланиш илмий тадқиқот институти парҳез овқатланиш бўлимидаги муаллифлар (Спиричев В.Б., 2006; Тутельян В.А., Киселева Т.Л., Кочеткова А.А., 2016) юқумли бўлмаган патологияли беморларда олиб борилган тажриба ва клиник кузатувларида ҳайвон ёғлари, углеводлар, ош тузи, экстрактив моддалар чегараланган, рационнинг умумий калорияси пасайтирилган, уни липотроп омиллар, витаминлар, минерал моддалар билан бойитилган ҳолдаги патогенетик мувозанатлашган парҳезни даволашдаги самарадорлигини тасдиқладилар. Болалар ва ўсмирлардаги стоматологик патологиялар, айниқса тишлар кариеси, пародонтнинг яллиғланиш касалликлари нафақат стоматологияда, балки умумий тиббиётда уларнинг кенг тарқалганлиги, организмга кўрсатадиган нохуш таъсири, даволаш усуллари ва воситаларининг кам самарадорлиги сабабли бутун дунёда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади (Зюзькова С.А., 2006; Каплан З.М., 2007; Леус Р.А., 2008). Аксарият тадқиқотчиларнинг маълумотлари бўйича, оғиз бўшлиғи касалликлари иммунитетни бақувват бўлган шахсларни гингивитни ҳар қандай белгиларидан ҳалос этади (Беня В.Н., 2006; Грудянов А.И., Фомень Е.В., 2007; Елизарев В.М. ва бошқалар, 2008). Шунингдек, ёш аспектида клиник-функционал паралеллар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас, бу жараён касалликларни эрта шакллари аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим бўлиб ҳисобланади (Латышев О.Ю., 2005; Каплан З.М., 2007). Одатда болалар ва ўсмирлардаги пародонт касалликлари фақат зўрайган босқичларда ташхисланади, чунки касалликнинг эрта босқичларида субъектив хис этишни мавжуд бўлмаслиги сабабли болалар шифокорга мурожаат қилмайдилар. Тишлар кариеси этиологияси ва патогенезини қатор илмий концепциялари, пародонт касалликлари, оғиз бўшлиғининг биологик статуси ва унинг гигиеник ҳолати, иммунологик резистентлик даражаси билан бевосита алоқасини кўрсатган ҳолда уларнинг табиатини аниқлашнинг муаммоли тавсифини тасдиқлайди (Дмитриева Л.А., 2001; Даминова Ш.Б., 2002; Ларина М.А., 2006; Гуломов С.С., 2008; Corby P.M., Biesbrock A., Bartizek R., 2008). Буларнинг барчаси стоматологик касалларда махсус функционал овқатланишни такомиллаштиришга йўналтирилган кўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, турли соматик касалликларни даволашда кунлик рационнинг нутриентив таркибини самарали даволаш, маҳаллий сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг тизимли тартибини яратиш борасида қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилган (Г.И.Шайхова 2017, 2020; А.С.Худайбергенов 2017, 2020; Р.Т. Камилова 2018, 2020; Н.Ж.Эрматов 2019, 2020; Саломова 2009, 2018; Б.А.Дусчанов 2020; Ф.Л.Азизова 2020; Б.Б.Рахимов 2018; Д.Ш.Алимухамедов 2020;), бироқ стоматологик касалликларда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида функционал овқатланиш ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бугунги кунга келиб республикада аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланиш тартибининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган стоматологик касалликларнинг улуши юқоридир, шунинг учун инобатга олиб,

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосидаги функционал овқатланиш орқали тиш касалликларни олдини олишга оид саволларга ҳозирги кунгача бир хилдаги жавоблар топилмаган бўлиб, стоматологик касалликларда функционал овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш, уларни қўшимча маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш ҳисобига нутриетив кўрсаткичларини яхшилаш зарурлигини тақоза этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900238 «Ўзбекистон аҳолисини стоматологик касалликлари, эпидемиологияси, даволаш ва олдини олиш чоралари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади стоматологияда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида функционал овқатланишни гигиеник асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

стоматологик касалликларда функционал овқатланиш маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қийматларини баҳолаш;

ўзгартирилган ва амалдаги овқатланиш негизида талабаларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолаш;

функционал овқатланиш маҳсулотларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

функционал овқатланиш гуруҳига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турларининг биологик тўлақонлилигини баҳолаш;

стоматологик касалликлар негизида овқатланиш ҳолати белгилари сифатида стоматологик кўрсаткичларни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2021 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги Олмазор тиббиёт коллежининг 19 ёшдан 30 ёшгача бўлган стоматологик касалликлари бўлган 350 нафар талаба ҳамда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида ишлаб чиқилган функционал овқатланиш рационлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида стоматологияда функционал овқатланишни қўллашда функционал овқатланиш гуруҳига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турлари, овқатланиш билан боғлиқ бўлган стоматологик белгилар, С витамини ва ош тузи алмашинувига таъсирини гигиеник баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослашда анкета сўровнома, гигиеник, лаборатор, биокимёвий, ҳисоб-китоб ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом-ашё асосида функционал озиқ-овқатларнинг техник ва технологик рецептураси ишлаб чиқилган;

маҳаллий хом-ашё асосида яратилган функционал озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик қийматлари ва уларнинг кунлик овқат рационлари тўлақонлилигини қондириш даражалари ишлаб чиқилган;

функционал озиқ-овқат маҳсулотларининг организмдаги ош тузи микдорини камайтириш имконияти ҳисобига маҳсулотлар рецептураси такомиллаштирилган;

функционал озиқ-овқат маҳсулотларининг овқатланиш ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичи сифатида стоматологик белгилар асосида самарадорлиги илмий асосланган;

организмда натрий электролит алмашинуви ва калийни антогонистик аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

функционал даволаш ва профилактик овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларга қўйилган гигиеник талаблар ишлаб чиқилган;

республика аҳолисининг ёши, жинси ва касбий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг соғлом овқатланишини таъминлашга қаратилган ўртача кунлик соғлом овқатланиш нормативлари ишлаб чиқилган;

функционал озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

техникум ва коллеж талабаларининг овқатланиш ҳолатини баҳолашга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган сўровнома, гигиеник, лаборатор, биокимёвий, ҳисоб-китоб ва статистик тадқиқот усуллари асосида стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослашнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти стоматологик касалликларни олдини олишга қаратилган функционал озиқ-овқат маҳсулотларини ўрни, аҳамияти, касалликларни даволашга қаратилган гигиеник меъёрларини киритиш, профилактик овқатланиш рационларини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида ўзгартириш орқали янги рационлар ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш орқали касалликни олдини олиш, асоратлар ривожланиш хавфини камайишининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг 4 та санитария қоида ва меъёрлари ва гигиеник нормативлари, 2 та услубий тавсиялар кўринишида ишлаб чиқилган меъёрий-услубий ҳужжатлар стоматологик касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, касалликларни самарали ташхислаш асоратлар хавфини камайтириш, овқатланиш ҳолатини баҳоловчи кўрсаткич сифатида стоматологик белгилар ривожланишининг олдини олишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

функционал, шифобахш ва профилактик озик-овқат маҳсулотларини организмнинг функционал ҳолатини яхшилаш натижасида ишлаб чиқилган «Функционал, шифобахш (парҳез) ва профилактик овқатланиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва муомаласига қўйиладиган гигиеник талаблар» 0367-19-сонли санитария меъёр ва қондаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 8-7-1/1885-сонли хулосаси). Натижада болалар ва ўсмирлар орасида стоматологик касалликларни олдини олиш ва даволашда функционал овқатланишни қўллашнинг гигиеник меъёрларини ишлаб чиқиш имконини берган;

овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш, нутриентив бузилишларни олдини олиш учун соғлом овқатланиш мақсадида «Функционал озик-овқат маҳсулотларини ишлаб- чиқиш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 25 августдаги 8н-з/286-сонли хулосаси). Натижада оғиз бўшлиғи касалликларини олдини олишга қаратилган функционал озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самардорлигини баҳолаш натижасида стоматологик касалликларни олдини олиш ва асоратларини камайтириш имконини берган;

коллеж ўқувчилари орасида соғлом овқатланишни таъминлаш, ўсмирларнинг саломатлик ҳолатини мустахкамлаш ва олдини олиш мақсадида «Техникум ва коллеж талабаларининг овқатланиш ҳолатини баҳолаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 25 августдаги 8н-з/286-сонли хулосаси). Натижада техникум ва коллеж талабаларини орасида соғлом овқатланиш ҳолатини баҳолаш орқали нутриентив етишмаслиги натижасида юзага келадиган стоматологик касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш имконини берган;

Стоматологияда функционал овқатланишни қўллашни гигиеник асослаш натижалари соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Республика санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 08 сентябрдаги 08-09/11690-сонли хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши функционал озик-овқат маҳсулотлари ўқувчилар организмида аскорбин кислотасини ушлаб қолиш даражасини ортиши билан биргаликда тиш эмал қаватини мустахкамлаш учун аралашма қабул қилган қиш-баҳор мавсумида $29,8 \pm 0,5\%$ дан $41,5 \pm 0,6\%$ гача, ёз-куз мавсумида эса $49,8 \pm 0,5\%$ дан $56,8 \pm 0,6\%$ гача ошиши, назорат гуруҳида эса аналогик тартибда $29,8 \pm 0,5\%$ дан $78,0 \pm 1,5\%$ гача ва ёз-куз мавсумида $51,4 \pm 0,5\%$ дан $99,0 \pm 1,4\%$ гача ошиши ҳамда ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни олдини олишни муқобиллаштириш, ош тузини организмга салбий таъсирини камайтириш, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш ҳамда ҳаёт тарзини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Функционал озиқ-овқат маҳсулотларининг стоматологик касалликларни олдини олишдаги замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида стоматологик касалликларни олдини олишда функционал овқатланиш маҳсулотларининг тутган ўрни, уларнинг турлари ва қўллашдаги самарадорлиги, функционал овқатланиш маҳсулотларини ҳисобга олган ҳолда алиментар муаммоларни ўрганишга бағишланган охириги йиллар манбалари шарҳи келтирилган. Ушбу тадқиқот иши аҳолининг саломатлигини сақлаш нуқтаи назаридан муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган, муаммонинг ҳал қилинмаган ва ҳал қилиниши зарур камчилик ва афзалликлари ёритилган.

Диссертациянинг **«Функционал озиқ-овқат маҳсулотларининг стоматологик касалликлардаги ўрни ва аҳамиятини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари, тадқиқотнинг умумий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар батафсил баён қилинган.

Тадқиқотнинг тажриба қисми Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти лабораторияси ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги лабораториясида ўтказилди, шунингдек, Тошкент шаҳар Олмазор тиббиёт коллежида таҳсил олаётган 350 нафар ўқувчиларда олиб борилди, таҳлилий ва статистик қисми эса Тошкент Давлат стоматология институти Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва жисмоний маданият кафедрасида олиб борилди.

Ўқувчиларнинг ҳақиқий овқатланиш хусусиятлари махсус ишлаб чиқилган анкета ёрдамида озиқ-овқат истеъмолини таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Маълумотлар йилига 2 марта экспедиция шароитида (қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларида) ойнинг бошида 3 кун, ўртасида 4 кун ва охирида 3 кун (10 кун) давомида ўқувчилар томонидан ҳақиқий истеъмол қилинган маҳсулотларни қайд этиш орқали 2100 та таомнома таҳлил қилинди. Олинган натижалар «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун озиқ-овқат истеъмолининг ўртача кунлик меъёрлари (СанМваҚ 0367-19) билан таққосланди. Текширилувчиларнинг овқатланиш статусини назоратли баҳолаш учун биз томонимиздан аҳолини овқатланиш ҳолатини халқаро қиёсий баҳолашда кенг қўлланиладиган «ТВИ индекси» (ЖССТ) бўйича семизлик ҳолатини таҳлили формула бўйича ўтказилди.

Функционал овқатланиш маҳсулотларини лаборатория таҳлили рецептура ва технологик йўриқномалар ёрдамида 82 дан ортик маҳсулотларда амалга оширилди. Лаборатория таҳлилида муфел печида ёкиш усули билан куруқ моддалар, М.П.Болотов модификациясидаги Къельдал усули билан оксиллар, Сокслет усули билан ёғлар, оксил ва ёғ қўлланишни топилган миқдори ва куруқ қолдиқ ўртасидаги фарқ бўйича ҳисоблаш усули билан умумий углеводлар, А.И.Бурштейн, И.М.Скурихинлар бўйича, пектин Экземплярский бўйича таомлардаги калориянинг катталиги ва маҳсулотларни сарфлаш фоизи, М.Ф.Нестерин, И.М.Скурихинлар бўйича таҳлилларни ҳисоблаш усули билан алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар миқдори, аскорбин кислота ва 2,6-дихлорфенолиндофенол (ДавСТ 7047) натрийли туз ўртасидаги оксидланиш-қайтарилиш реакциясига асосланган Тильманс усули билан С витамин аниқланди.

Функционал овқатланиш маҳсулотларининг биологик қийматини, маҳсулотларнинг биологик қиймати билан акс эттириш учун уларни А.С.Худайберганов, Р.Р.Усманходжаев усули бўйича ҳисобланди.

Бундан маҳсулотнинг биологик қиймати қуйидагига тенг бўлди:

$$N = \sqrt{\frac{n_1 + n_2 + n_3 + n_4 + n_5}{m_1 + m_2 + m_3 + m_4 + m_5}}$$

$$МБҚ = \frac{\text{лизин}}{\text{лизин}_n} \times \frac{\text{треонин}}{\text{треонин}_n} \times \frac{\text{триптофан}}{\text{триптофан}_n} \times \frac{\text{Вит.С}}{\text{Вит.С}_n} \times \frac{\text{Вит.А}}{\text{Вит.А}_n} \text{ ва бошқ.}$$

Бу ерда, n-текширилган маҳсулотдаги биологик фаол моддалар миқдори;

n-текшириладиганлар учун мазкур ингредиентнинг кунлик меъёри;

N-танланган ингредиентларнинг умумий миқдори.

Тадқиқотимизда иштирок этган тиббиёт коллежи талабаларини тана вазни индексини аниқлаш учун халқаро баҳолаш мезонларидан фойдаланилди, бунда:

$$X = \frac{\text{вазни, кг}}{(\text{бўйи})^2, \text{ м.кв}}$$

антропометрик белгиларнинг нисбати ТВІ (ЖССТ) индекси ҳисобланади.

Олинган натижаларни ҳисоблаш қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилди:

1. < 18,5 – озғинлик;
2. 18,5-24,9 – меъёрда;
3. 25-29,9 – ортиқча тана вазни;
4. >30 – семизлик.

Аскорбин кислотасининг истеъмол ҳолатини аскорбин кислотасини мг/соатлик экскрециясини кунлик таҳлил қилиш йўли билан Н.С.Железнякова усули бўйича баҳоланди. Тадқиқотлар ЖССТнинг техник ва услубий кўмагида ўтказилди. Ҳар бир иштирокчи учун пешобни йиғишга мўлжалланган жиҳозлар тақдим этилган;

- барча пешобни сақлаш учун бураладиган қопқоқли 3 л контейнер;
- воронкани қўллаш ёки қўлламаслик билан пешоб йиғиш учун кенг бўғизли 1-литрли контейнер;
- қизлар учун пешоб йиғишга мўлжалланган воронка;
- жиҳозларни хонадан ташқарига олиб чиқиш учун пластик пакетлар;
- кунлик пешобни йиғиш зарурияти тўғрисида иштирокчилар учун эслатма (пешобни йиғиш вақтида ички оқликлар ва ташқи кийимларни кўтариб қўйиш учун тўғноғич). Тадқиқотда иштирок этаётган ходимни коллежга бўлган иккинчи ташрифи 24-соатлик йиғиш даври якуни бўйича кун давомида ўтказилди;

Сўнгра ходимлар пешобнинг умумий ҳажмини ўлчадилар, уни контейнерда яхшилаб аралаштирилди ва келгусидаги таҳлиллар учун -20°C да ташиш ва сақлаш учун алоҳида маркировкаланган 10 мл ли пробиркаларга уч порциядан ажратилди. Пешобнинг қолган қисми утилизация қилинди.

Респондентлар томонидан ош тузига бўлган ўртача талабни аниқлаш натрийни 24 соатлик (кунлик) экскрециясини тузга қайта ҳисоблаш йўли билан ўтказилади. Рандомизирланган статистик танлаб олишни аниқлаш учун 350 нафар талабадан 88 нафаридан танловнинг энг кичик ўлчамларидан фойдаланилди, уларда натрийни ўртача истеъмолини 276 мг/кунлик ишончли интервали билан 95%да баҳолашга имкон берувчи овқатланишни баҳолаш ўтказилди. Танлов ўлчамига қўшимча тўғрилашлар ёш-жинс тоифаси бўйича гуруҳлар сонини ҳисобга олиш билан ўтказилди. Тахминий йўқотишлар даражасини ЖССТнинг STEPS стандарт методологиясига асосланган, 2019 йилдаги НИЗ ҳавф омили (3 қадам) ни тарқалишини миллий тадқиқ қилишда келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда 15% (0,85) каби аниқланди.

Пешобда натрий миқдорини аниқлаш пешобни йиғиш бўйича қуйидаги мезонларга риоя қилган ҳолда Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти лабораторияларида ўтказилди. Пешобни йиғиш 20-28 соат давомида, аммо 20 соатдан кам эмас ва 28 соатдан кўп бўлмаган ҳолатда бажарилди:

- пешобни умумий ҳажми 250 млдан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиш;
- пешоб йиғишни ўтказиб юбориш ҳолатлари мавжуд эмас.

Ушбу мезонларга риоя этилмаган ҳолда йиғилган пешоблар утилизация қилинди ва тадқиқотга киритилган йўқотиш сифатида ҳисобга олинди.

Пешоб намуналаридаги натрий миқдори (ммоль) микроколориметрик усул билан аниқланди. Олинган кўрсаткичлар, пешобнинг умумий ҳажми ва пешоб йиғишни умумий вақти респондентнинг шахсий маълумотлари билан базага киритилди. Ош тузидаги (грамм) натрий миқдори (ммоль) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди. $1\text{ ммоль натрий} \times 23 \times 2.5421/1000 = 58,47 \text{ г}$ натрий хлор пешобни йиғиш вақти 24 соатга тўғриланди: $\text{кўрсаткич} \times 24/$ (пешоб йиғишнинг умумий вақти). Кейинчалик тадқиқотнинг барча натижалари, уларнинг таҳлили ва тавсиялар ҳисоботда, ош тузининг г/кунлик талаби каби тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Функционал овқатланиш маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қиймати**» деб номланган учинчи бобида замонавий технологиялар йўли билан олинган сабзавот, хўл мева кукунлари ва маҳаллий хом ашёни текшириш натижалари темир ва бета-каротин концентрациясини сақланиши, ҳатто юқори концентрацияда бўлишини, улар тақлиф этилган стандарт ва ФОМ рецептураси асосида тишларни мустаҳкамлаш ва профилактик овқатланиш учун аралашмалар ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар давлат-хусусий ҳамкорлик шаклида Тошкент Давлат стоматология институти ва Тошкент вилояти «MAVR» ОАЖ ишлаб чиқариш корхонасида ўтказилди. Функционал овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қуйидаги хом ашё ва материаллар қўлланилди. Аралашмалар стоматологик патологияларни олдини олиш учун кўзда тутилган функционал овқатланиш учун қуйидаги аралашмаларни қадоқлашда қўлланилади: «Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма» дуккакли ўсимликлар куртагидан 3 қисм, 1 қисм хитозан кукуни, 1 қисм наъматак кукуни, 1 қисм бақлажон кукуни, 1 қисм кабачки кукунидан ташкил топган. «Профилактик овқатланиш учун аралашма» 4 қисм кабачки кукунидан, 3 қисм бақлажон кукунидан, 3 қисм наъматак кукунидан ташкил топган.

Ишлаб чиқилган ФОМларининг озуқавий ва биологик қиймати икки хил ҳисоб-китоб ва лаборатория усулида аниқланди ва солиштирилди. Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашманинг озуқавий қиймати ҳисоблаш усулига нисбатан лаборатория усулида аниқланганда фарқлар мавжудлиги кузатилди (1-жадвалга қаранг).

Ишлаб чиқилган функционал озиқ- овқат маҳсулотлари битта порциясининг озуқавий ва биологик қиймати, М±m

№	Кўрсаткичлар	Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма	Профилактик овқатланиш учун аралашма	P
1	Оқсиллар, гр	13,1±0,5	2,9±0,2	<0,001
2	Ёғлар, гр	3,2±0,1	0,5±0,03	<0,001
3	Углеводлар, гр	34,4±1,0	38,0±1,0	>0,05
4	Қувватмандлик, ккал	219,0±4,0	163,8±3,2	<0,001
5	С витамин ,мг	9,5±1,3	64,6±5,0	<0,001
6	Магний, мг	14,2±0,3	21,9±0,4	<0,001
7	Калий,мг	262,3±4,1	286,2±4,0	<0,001
8	Натрий,мг	7,5±0,2	12,2±0,3	<0,001
9	Темир,мг	7,5±0,2	17,2±0,7	<0,001

Хусусан оқсиллар – 6,9 г (35,8%), ёғлар – 2,0 г (45,5%), углеводлар 14,6 г (26,9%), қувватмандлик эса 116,2 ккал (36,1%) фарқ қилди. Профилактик овқатланиш учун аралашманинг озуқавий қиймати ҳисоблаш усулига нисбатан лаборатория усулида аниқлангандаги кўрсаткичлар солиштирилганда ҳам фарқлар мавжудлиги кузатилди. Оқсиллар – 0,7 г (13,5%), ёғлар – 0,5 г (12,5%), углеводлар 4,8 г (6,7%), қувватмандлик эса 17,9 ккал (5,8%) фарқ қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозими, «Профилактик овқатланиш учун аралашма» ва «Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма»нинг озуқавий қийматини 2 та усулда солиштирилганда иккинчи аралашмага нисбатан биринчи аралашмада фарқлар кўрсаткичи нисбатан сезиларли даражада фарқ қилди. «Профилактик овқатланиш учун аралашма» ва «Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма» бир порциясининг таркибидаги лаборатория шароитида аниқланган озуқавий қиймати солиштирилганда қуйидагилар аниқланди: биринчи маҳсулот таркибида оқсиллар миқдори иккинчи маҳсулотга нисбатан 4,5 марта, ёғлар миқдори 6,4 марта ва қувватмандлик 1,3 марта кўп эканлиги аниқланган бўлса, углеводлар миқдори эса аксинча иккинчи маҳсулот таркибида биринчи маҳсулотга нисбатан 1,1 марта кўп эканлиги кузатилди.

Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашманинг биологик қиймати ҳам ашёда ва тайёр кукундаги миқдори солиштирилганда С витамин – аралаш кукунда 4,2 гр.га кам бўлиб бу 18% га кам эканлигини билдиради. Микроэлементлар аралашманинг кукунда ҳам ашёга нисбатан олганда магний – 3,2 г (12,7%), калий – 23,2 г (4,6%), натрий ва темир – 2,2 г (17,2%)

кўп эканлиги кузатилди. Худди шу кўрсаткичлар бўйича солиштирилганда аралашма кукунида С витамин– 10,7 г (7,6%), магний – 5,9 г (15,5%), калий – 38,5 г (7,2%), натрий – 3,5 г (16,7%), темир – 5,8 г (20,3%) хом ашёга нисбатан кўп эканлиги аниқланди. Профилактик овқатланиш учун аралашмада тишларнинг мустаҳкам учун аралашмага нисбатан биологик қиймати юқорилигини кўришимиз мумкин: С витамин– 7,2 марта, магний – 1,5 марта, калий – 1,1 марта, натрий – 1,6 марта ва темир – 2,3 марта кўп эканлиги аниқланди. Демак, «Профилактик овқатланиш учун аралашма»нинг озуқавий ва биологик қиймати «Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма»га нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

Шундай қилиб, бизлар томонимиздан таклиф этилган функционал овқатланиш маҳсулотларини озуқавий ва биологик қийматини текшириш қўйидаги хулосаларга келишга имкон беради: Замонавий технологиялар йўли билан олинган сабзавот, хўл мева кукунлари ва маҳаллий хом ашёни текшириш натижалари темир ва бета-каротин концентрациясини сақланиши, ҳатто юқори концентрацияда бўлишини кўрсатди, улар таклиф этилган стандарт ва ФОМ рецептураси учун асос бўлиб хизмат қилди; умуман тишларни мустаҳкамлаш ва профилактик овқатланиш учун маҳсулотлардаги оқсил, ёғ, углевод ва калориялилик бўйича назарий ҳисоблашлар ва лаборатория тадқиқотлари маълумотлари ўртасидаги ишончли фарқлар хом ашёнинг юқори намлилиги ва уларни қуриштириш жараёнидаги концентрацияланиши билан боғлиқдир; хом ашёга нисбатан тайёр маҳсулот таркибида микроэлементлар миқдори 4,6% дан 17,2%гача юқоридир; профилактик овқатланиш учун мўлжалланган ФОМ (1 миқдор) таркибидаги С витамин миқдори тишларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган ФОМга нисбатан 7,2 марта кўп.

Диссертациянинг «**Ўзгартирилган ва ҳақиқий овқатланиш негизида талабаларни овқатланиш ҳолатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида ФОМни синаш ўтказилган тиббиёт коллеж талабаларини амалдаги овқатланиш ҳолати, асосий нутриентларнинг амалдаги истеъмоли талаба ёшлар организмидаги функционал ўзгаришларига ва рационал овқатланиш принципларига мос келмаслиги аниқланган.

Саломатликка хавф омиллари ва овқатланиш рационини нутрициологик баҳолаш мақсадида бизлар томонимиздан 26 кўрсаткичлар бўйича 2100 таомнома: йил мавсумларида А.А.Покровский усули бўйича умумий ва хайвон оқсиллари, умумий ва ўсимлик мойлари, углеводлар, димоносахаридлар, полисахаридлар, пектин, холестерин, энергетик қиймат, кальций, фосфор, темир, магний тузлари, А витамин миқдори, бета-каротин, тиамин, рибофлавин, пиридоксин, цианкобаламин, С, Д, Е, РР витаминлари, фолат кислота ва клечатка таҳлил қилинди. Текширилувчилар орасида тадқиқот ўтказишдан олдин барча истеъмол қилинадиган маҳсулотлар, жумладан кўча овқатлари ҳам ҳисобга олиниши зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тиббиёт коллежи талабаларининг амалдаги овқатланишини мавсумлар бўйича таҳлилида қиш-баҳор мавсумида оқсил, ёғ ва углеводлар миқдори

лаборатор усулида аниқланганда ҳисоблаш усулидагига нисбатан бир мунча фарқ қилган бўлса, қувватманликда фарқ 50 ккални ташкил қилди. Худди шу мавсумда витаминлар комплекси меъёрга нисбатан солиштирилганда ҳисоблаш усулидаги кўрсаткичлар витамин А, С, Е, D миқдори паст (18,7-43,3%) бўлган бўлса, бета каротин ва В гуруҳи витаминлари меъёрдан ортик (23,1-50%) эканлигини кўришимиз мумкин. Лаборатория усулида эса бета каротиндан ташқари (105,6%) барча витаминлар тавсия қилинган меъёрлардан кам (7,7-46,7%) эканлиги аниқланди.

Тиббиёт коллежи талабаларининг ҳақиқий овқатланишини ёз-куз мавсумида қувватманликдаги фарқ 40 ккални ташкил қилган бўлса, асосий озуқа моддалардаги фарқлар худди қиш-баҳор мавсумидаги каби сақланиб қолган. Қиш-баҳор мавсумидан фарқли ўлароқ, ёз-куз мавсумида иккала усулда ҳисобланганда ҳам С витамин миқдори тавсия қилинган меъёрдан бирмунча кўпроқ (2,3 ва 15,3%) эканлиги аниқланди. Қолган витаминлар миқдоридagi фарқлар қиш-баҳор мавсумидан сезиларсиз равишда сақланиб қолган.

Бундан ташқари, талабаларнинг ўртача кунлик овқатланиш рационида оилавий овқатланишдаги овқатланиш одатлари ва рационни таҳлил қилишни мавжуд эмаслиги билан боғлиқ холда ҳатоликлар мавжуд. Бу ёғлар (меъёрда 26-27% бўлганда $25,2 \pm 0,82\%$ ни), углеводлар (меъёрда 55%дан ортик бўлмаганда $62,3 \pm 2,1\%$). Шу каби силжишлар мегакалориялар тизими бўйича рационлар таҳлилида ҳам тасдиқланди, бу ерда ёғларнинг ўртача оғирлиги тавсия этилган даражадан (1 мегакалорияда 37,0) бир қадар паст (бир мегакалорияда $28,0 \pm 0,95$), углеводларнинг ўртача оғирлиги эса тавсия этилганидан (1 мегакалорияда 137,0) бир қадар юқори (1 мегакалорияда $155,8 \pm 5,3$) бўлди. Ҳақиқий овқатланиш таҳлилида микроэлементларни таққослаганимизда меъёрга нисбатан натрий (мавсумга мос равишда 288 ва 290%), калий (117,1 ва 114,3%) ва темир (140,0 ва 152,0%) сезиларли равишда кўп эканлиги, магний (81,2 ва 84,6%) эса меъёрдан паст эканлиги кузатилди.

Овқатланишнинг ўзгарган ва амалдаги негизда текширилувчиларнинг ўртача кунлик овқатланиш рационининг биологик қиймати ва биологик фаол моддаларининг тузилмавий таркибини қиёсий баҳолаш ўтказилган коррекцияларни самарадорлигидан гувоҳлик беради. Қиш-баҳор мавсумида «Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма» ФОМни қабул қилган талабалар ва назорат гуруҳидагилар овқатланиши таққосланганда қувватманлик 1,10 марта кўп фарқ қилган бўлса, асосий озуқа моддалари 1,08-1,18 марта кўп, бета каротини мос равишда 7,16 марта кўп фарқ қилган, витаминларда бу кўрсаткичлар 1,17-1,36 марта кўп, микроэлементларда 1,02-1,54 марта кўп эканлиги, аминокислоталарда эса бу кўрсаткичлар қарама-қаршилиқлар кузатилди. Шу билан биргаликда оқсил, ёғ ва углеводлар нисбати ўзгарган овқатланиш негизда ҳақиқий овқатланиш негизига нисбатан меъёрга биров яқинлашганини аниқланди. Демак, қиш-баҳор мавсумида овқатланиш рационининг умумий биологик қиймати овқатланишнинг ўзгарган негизи

амалдаги овқатланиш фониға нисбатан 1,43 марта кўп эканлигини кўришимиз мумкин (<0,001). Овқатланишнинг ўзгарган ва амалдаги негизида текширилувчиларнинг ўртача кунлик овқатланиш рационининг биологик қиймати ва биологик фаол моддаларининг тузилмавий таркибини қиёсий баҳолаш ўтказилган коррекцияларни самарадорлигидан гувоҳлик беради (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Қиш-баҳор мавсумда тиббиёт коллеж талабаларида «Тишларни мустаҳкамлаш учун аралашма» ФОМни қабул қилганида овқатланиш негизида ўзгаришларида овқатланишнинг ўртача кунлик рационини озуқавий ва биологик қиймати

Биологик фаол моддаларнинг номи	Овқатланишнинг ўзгарган негизида	Овқатланишнинг амалдаги негизида	P
Қувватмандлик (ккал/кун)	2589,0±87,6	2370±80,3	>0,05
Умумий оқсиллар, г	91,5±3,1	78,4±2,7	<0,01
Ҳайвон оқсиллари, г	45,2±1,6	41,5±1,4	>0,05
Умумий ёғлар, г	78,0±2,7	74,8±2,5	>0,05
Ўсимлик мойлари, г	21,4±0,72	18,2±0,61	<0,01
Углеводлар, г	451,0±15,4	419,0±14,1	>0,05
О:Ё:У нисбати	1:0,8:4,9	1:0,9:5,0	<0,05
А витамин, мкг/экв	410,4±14,1	410±13,8	>0,05
Бета-каротин, мг	13,6±0,46	1,9±0,06	<0,001
С витамин, мг	54,8±1,8	41,3±1,4	<0,001
